



No'kis q. A.Dosnazarov 62 uy, ind: 230100 tel: 8 (361) 222-24-37, 222-24-63, faks: 222-98-30  
web-site: <http://kkedu.uz>, e-mail: [qoraqalpogiston\\_xtv@xtv.uz](mailto:qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz)

“19” апрель 2021 й.

01-01/03-1965 - сонли

**Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлигига**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 2 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари саккизинчи сессиясида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 73-мажлис баёни 80-банди ижросини таъминлаш мақсадида, “Бир миллион дастурчилар” лойиҳаси доирасида, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги, ушбу лойиҳа жорий қилинган 181 та мактабларнинг 7-11-синф ўқувчиларини, махсус [uzbekcoders.uz](http://uzbekcoders.uz) портали орқали, дастурлашнинг 4 та йўналиши (Full-Stack, Data Analysis, Front-End, Android) бўйича ўқитиб келинмоқда. Ҳозирги пайтгача, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги мактаблардан “Бир миллион дастурчилар” лойиҳаси доирасида рўйхатдан ўтган ўқувчилар сони **19 636 та** ва битирувчи сертификатини қўлга киритганлар сони эса **13 845 тани** ташкил этмоқда. Бу борада, биргина Хўжайли тумани халқ таълими бўлимига қарашли мактаблардан **6 300 дан кўп** ўқувчилар, Беруний ва Қўнғирот туманлари халқ таълими бўлимларига қарашли мактаблардан эса **1 500 дан зиёд** ўқувчилар битирувчи сертификатларини қўлга киритишган. Қолган туманлардаги мактабларда ҳам “Бир миллион дастурчилар” лойиҳаси доирасида ишлар жадаллаштирилмоқда.

“Бир миллион дастурчилар” лойиҳасидаги жорий йил 18 апрель ҳолати бўйича туманлар кесимидаги маълумот илова қилинади.

Илова: 1 varaқда.

**Қорақалпоғистон Республикаси  
Халқ таълими вазири ўринбосари**

**Ш.Таджимуратов**

Қорақалпоғистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлигининг  
2021 йил 19 апрелдаги  
01-01/03-1965-сонли хатига  
ИЛОВА

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги тасарруфидаги  
умумтаълим мактабларининг "Бир миллион дастурчи" лойихасида  
uzbekcoders.uz сайтидан рўйхатдан ўтган ўқувчилари ҳақида маълумот

№	Туман (шаҳар)	Рўйхатдан ўтган ўқувчилар сони	Сертификат олганлар сони
	Республика бўйича жами	19636	13845
1	Нукус шаҳри	1021	64
2	Амударё тумани	1376	184
3	Беруний тумани	1638	1815
4	Бўзатов тумани	480	370
5	Қораўзак тумани	1073	575
6	Қўнғирот тумани	1544	1583
7	Қонликўл тумани	648	464
8	Кегейли тумани	1297	1339
9	Мўйноқ тумани	287	55
10	Нукус тумани	575	59
11	Тахياتош тумани	1049	244
12	Тахтақўпир тумани	491	85
13	Тўрткул тумани	1749	102
14	Хўжайли тумани	4833	6307
15	Шўманай тумани	294	407
16	Чимбой тумани	997	12
17	Элликқалъа тумани	284	180